

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 50 (1114) • 2016-yil, 2-dekabr, juma

Қадрли ватандошлар! Эртанги кунимиз, юртимиз тинчлиги, тараққиёти ва фаровонлиги учун овоз беринг!

Наримон УМАРОВ:

“Адолат бор жойда тараққиёт бўлади, юксак муваффақиятларга эришилади”

“Адолат” социал-демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтайдиган 4 декабрьга тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирган. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, зеро, мамлакат Президентини сайлашдек улкан ижтимоий-сиёсий воқелик партияимиз ҳаёти ва фаолиятида ўта масъулиятли жараёндр.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида 1995 йилдан буён фаолият юритиб, ўз ғояларини, дастурий мақсад ва вазифаларини амалиётга татбиқ этиб, халқимиз муайян қатламининг сиёсий иродасини, манфаатларини ҳимоя қилиб келаётган, ўз электоратига, хайрихоҳларига эга бўлган Ўзбекистон “Адолат” СДП мазкур муҳим сиёсий тадбирда ўзининг муносиб номзоди билан иштирок этмоқда.

Партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод — “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери уринбосари, партияимиз фракцияси раҳбари Наримон Мажитович Умаров ҳудудларда сайловчилар билан ўтказган бевосита учрашув ва мулоқотларида ўз сайловолди дастурининг афзалликларини ёритиб бериб, сайловчиларнинг эътибори ва ҳурматида сазовор бўлди. Хусусан, номзодимизнинг сайловолди дастурида илгари сурилган бир қатор халқчил ғоялар ва ҳаётини устувор масалалар сайловчиларда катта қизиқиш уйғотиб, улар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Мана шу қизгин жараён якуни яқинлашаётган паллада биз партияимиз номзодига сайловчиларни қизиқтираётган, улар таҳририятимизга мактублар, телефон орқали ва электрон шаклда йўллаётган бир қанча мавзулардаги саволлар билан мурожаат этдик.

4-5



Наримон Умаровнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг республикамиз ҳудудлари бўйлаб сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлари Ўзбекистон “Адолат” СДП ва партия номзодимизнинг ўз олдига қўйган халқчил мақсадлари, инсонпарвар ғояларига фуқароларнинг ишончини янада мустаҳкамлади. Наримон Умаров ҳудудларда олиб борган сайловолди ташвиқоти доирасидаги охириги учрашувини 28 ноябрь куни Тошкент вилояти сайловчилари билан ўтказди.

Вилоят ҳокимияти мажлис залда онлайн видеоконференция тарзида ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, депутатлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари фаоллари, ёшлар, партия аъзолари ҳамда журналистлардан иборат жами 4500 нафарга яқин сайловчи иштирок этди.

Учрашувни Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вило-

ят кенгаши раиси Равшан Таллопов олиб борди. Наримон Умаровнинг ишончли вакили, Ўзбекистон “Адолат” СДП Паркент туман кенгаши раиси Мавлуда Бердиқулова сайловчиларни Президентликка номзоднинг таржимаи холи ва меҳнат фаолиятига доир маълумотлар билан яқиндан таништирди.

Ўз маърузасида Н.Умаров Тошкент вилояти истиклол йилларида тубдан янгиланиш ва юксалиш сари юз тутиб, мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан ййрик ва салоҳиятли субъектларидан бирига айланганини эътироф этди. Президентликка номзод вилоятнинг

иктисодий салоҳиятини рақамларда ифодалар экан, жумладан, бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг қарийб 15 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 12 фоиздан зиёди, иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг 10 фоизга яқини, яъни ички маҳсулотимизнинг аса 9,7 фоизи айни шу вилоят ҳиссасига тўғри келишини қайд этди.

Наримон Умаров сайловчиларни ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишлари билан атрафлича таништирди. Дастурда илгари сурилган ғоялар “Адолат” социал-демо-

кратик партиясининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етуқ адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига асосланишини қайд этди. Дастурда белгиланган вазифалар ҳаётининг бугунги замон талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққанлиги, ҳудудлардаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўзида акс эттиргани ҳамда аниқ механизмларга асосланган билан сайловчиларда катта кизиқиш уйғотди.

2



БУТУНЖАҲОН САЙЛОВ ОРГАНЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси (БСОА) Бош қотиби Ким Ён Хи 2016 йил 1 декабрь куни Тошкентга келди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича Ассоциация миссиясига етакчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари К.Одилон БСОА кузатувчилари миссияси аъзолари билан учрашди.

Учрашув чоғида Миссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида амалга ошириладиган ишлар билан танишди.

Сайлов кампанияси сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда демократик принципларга мувофиқ равишда очик ва ошкора ўтказиладигани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси таъсисчиларидан бири ҳисобланади. Ташкилот 2013 йил октябрь ойида ташкил этилган бўлиб, қароргоҳи Корея Республикасининг Инчхон шаҳрида жойлашган. Ҳозирги пайтда БСОА 102 мамлакатнинг 106 сайлов органини ўзида бирлаштирган.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА муҳбири

Демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан бири — фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши билан боғлиқдир.

ОШКОРАЛИК —

фуқаролик жамиятининг муҳим шarti

Бинобарин, мамлакатимизда истиклол йилларида демократик сайловлар асосида фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада ўнга яқин қонунлар қабул қилиниб, унда сайловларни очик ва ошкора, тенг шароитларда ўтказиш муҳим мезонлар каторида белгиланган бўлди.

Қайд этиш жоизки, сайлов қонунчилигида берилган тенг шароит ва имкониятлар асосида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ҳам ўз сайловолди дастурида белгиланган вазифалар билан кенг жамоатчиликни таништирди.

Партияимиз номзодимизнинг сайловолди дастури, аввало, партия дастуридаги мақсад ва вазифалар билан ҳамохан бўлиб, унда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари камраб олинган. Белгиланган устувор вазифалар, айниқса, юртимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилиши билан ахамиятлидир.

Маълумки, демократик жамиятни матбуот эркинлигисиз, ўз хоши-иродасини эркин билдириши тасаввур қилиб бўлмайди.

2

4 декабрь куни бўлажак сайловда халқимиз ўз хоши-иродасини намоён этади. Фуқаролар ишончини қозонишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ташвиқот тадбирларини самарали ўтказишда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам қонун доирасида мавжуд барча имкониятлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, республикамизнинг барча ҳудудларида Президентликка номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувларни юқори савияда ташкил этдилар. Бугун, яъни сайловолди ташвиқот тадбирларининг сўнгги кунини ҳам ишончли вакилларнинг сайловчилар билан охириги учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

3

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИЛМОҚДА

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Жорий йилнинг 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этолмайдиган айрим фуқароларимиз муддатидан олдин овоз бериб, ўз бурчи ва масъулиятини адо этмоқда.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 104-умумтаълим мактаби биносида жойлашган 332-сайлов участкасида



ҳам муддатидан олдин овоз бераётган сайловчилар учун барча қулай шароит яратилган. Ушбу сайлов участкасида тумандаги Саҳоват маҳалласи ҳудудида яшарётган 2 минг 933 сайловчи рўйхатга олинган. Уларнинг барчасига сайлов таклифномаси тарқатилган. Ҳозирги кунга қадар сайловчиларнинг саккиз нафари муд-

датидан олдин овоз берди. Муддатидан олдин овоз бериш жараёнилари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган.

Халқимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Ахатилла Фуломов. — Бу йилги сайловда аҳолимиз ҳар доимги-

дан-да фаол иштирок этмоқда. Бу юртимиз раънақи, эртанги ёруғ келажакимиз учун барча бирдек масъул эканлигини фуқароларимиз янада тереан англаётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни хизмат сафарига кетаётганлигим сабабли сайловчилар учун яратилган қулайлик — муддатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаландим, — дейди Нодира Шоназарова. — Мамлакатимиз тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу муҳим сиёсий жараёнда иштирок этиб, конституциявий бурчимни бажарганимдан мамнунман.

Г.САТТОРОВА,
ЎЗА муҳбири


Наримон Умаровнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашуви

ОШКОРАЛИК — фуқаролик жамиятининг муҳим шarti

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Жумладан, Наримон Умаров пойтахт вилояти сифатида Тошкент минерал-хомашё маъбадларига бойлиги, кулай транспорт-логистика ти-

кали аралаш иктисодиёт доирасида давлат мулкни химоя қилиш, стратегик муҳим объектларни уларнинг ижтимоий фойдалигидан келиб чиқиб давлат тасарруфида қолдириш биз учун принципиал аҳамиятга эгадир, —



зимига ва инфраструктурага эгаллиги, меҳнат ресурсларининг қўллиги ҳамда ишбилармонлик муҳити яратилгани билан хорижий инвесторлар учун жозибадор ҳудуд саналишига қарамай, бугунги кунда ўзлаштирилаётган хорижий сармоялар ҳажми вилоятнинг иктисодий салоҳияти учун етарли эмаслигини таъкидлади. Бу борадаги ишларни тизимли равишда ривожлантириш баробарида унинг айрим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини билдирди.

— Хусусан, инвестиция тақлифларини чуқур ўрганиш ва инвесторларнинг ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги техника ва юксак технологияларни киритиш, рақобатдош, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларини қатъий назорат остига олиш асосида корхона ва муассасаларни босқичма-босқич хусусийлаштириш сиёсатини давом эттириш ва бу ор-

деди Н.Умаров. Учрашувда Наримон Умаров сайловчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарди.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари Наримон Умаровнинг сайловолди дастури мамлакатимизнинг бугунги ва келгуси тараққиёти учун пухта ўйланган ва чуқур асосли таклиф ҳамда вазифаларни илгари суриши билан аҳамиятга эришилган эътироф қилдилар. Шу билан бирга, партия номзодининг раҳбарлик қобилияти ҳақида фикр билдириб, билим ва салоҳиятга эга мутахассис сифатида самарали фаолият юритиб келаётганига сайловчилар эътиборини қаратишди.

— Н.Умаров Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси раҳбари сифатида ҳам қонуни ижодкорлиги ва назорат-таҳлил жараёнларида чуқур билими, ҳаётий тажрибаси, ташкилотчилик ҳамда ташаббускорлик қобилиятла-



рини намойён қилиб келмоқда, — деди Қонунчилик палатаси депутаты Людмила Кошелопа. — Бу, ўз навбатида, партиямиз дастурида белгиланган устувор вазифалар доирасида қонуни лойиҳаларининг ишлаб чиқиши ва қабул қилинишида яққол кўзга ташланади. Партия номзодининг сайловолди дастурида ҳам қонуни давлат ва жамиятни бошқаришда асосий восита бўлиши лозимлиги таъкидланган. Қонуларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришилш, уларни ҳаётга таъбиқ этишнинг ишончли механизмини яратиш, қонуни ижодкорлиги жараёнида адолат ва ҳақиқат фаоллари муҳим мезон саналади.

— Номзоднинг сайловолди дастурида ҳар бир фуқарога жинси, irqи, миллати, тили,

дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонуни олдида тенг имкониятлар тақдим этиши, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари, қонуний маънафат ва эркинликларини химоя қилишга доир аниқ вазифаларнинг белгиланганлиги сайловчиларни асло бефарқ қолдирмайди, — дейди тадбир иштирокчиси, Зағитота туманидаги 33-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Абдували Ғуломов. — Айниқса, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, одил судлов о бўриси ни янада ошириш, шу мақсад йўлида судлар фаолиятининг очиқлиги, ҳолис-лиги, суд жараёни иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилган тақлифлар ва устувор вази-

фалар қўллаб қатнашчиларининг диққатини ўзига тортиди. Учрашувда Тошкент вилояти кўп тармоқли марказий шифохонаси бош шифокори Б.Косимов, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутаты К.Хамидова, “Тўйтепа агро макс” масъулияти чекланган жамияти раҳбари У.Шоумаров, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти капитал курилиш дирекцияси раҳбарлари бўлими етакчи мутахассиси Е.Аблаева ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, сайловчиларни Наримон Умаровга овоз беришга чақирди.

Анвар ЭГАМҚУЛОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Марказий аппарати
етақчи мутахассиси

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

“Ошқоралик — фуқаролик жамиятининг муҳим шarti” тамойилига таянган ҳолда Наримон Умаров ўз сайловолди дастурида ахборот соҳасини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, ахборот соҳасида рақобат муҳитини янада кучайтириш, олиб борилаётган ислохотларнинг, давлат ички ва ташқи сиёсатининг очиқ ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг фаолигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратган. Шунингдек, дастурда босма оммавий ахборот воситалари махсулотларини тарқатиш соҳасида рақобатни ривожлантиришга, даврий матбуот махсулотларининг чакана савдо тармоқларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қиёслаш учун айтиш керакки, 1991 йилда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони атиги 395 тани ташкил этган бўлса, мустақиллик йилларида 4 қарра кўпайиб, ҳозирги вақтда уларнинг сони қарийб бир ярим мингтани ташкил этади. Кун сайин замонавий ахборот технологиялари такомиллашиб бораётган бир пайтда, интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Кейинги беш йилнинг ўзида веб-сайтларнинг сони икки баробар ортиб, уларнинг сони 380 дан ошди. Бугунги кунда мамлакатимизда 66 та телеканал, 34 та радиоканал фаолият кўрсатиб келмоқда.

Дастурда белгиланганидек, мазкур соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашни давом эттириш замирида мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, юртимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ҳолатини жаҳон ҳамжамиятига етказиш каби эзгу мақсадлар мужассам.

Таъкидлаш жоизки, партиямиз жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва билимлар тарғиботини тубдан яхшилаш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш, аҳолини қабул қилинаётган қонуларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб беришга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирларни ҳам қўллаб-қувватлайди. Зеро, фақат эркин, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билладиган, қонуни ва амалдаги тартиб-қондаларни ҳурмат қиладиган фуқарогагина ўзининг ҳуқуқларидан тўлалигича фойдаланиши мумкин. Номзодимиз бу борада фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда махсус дастур ишлаб чиқишни ва уни ҳаётга жорий этишни режалаштирмоқда.

Ишонимизки, партиямиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастури истиқлол йилларида ҳаётга таъбиқ этилган ислохотлар ва уларнинг юксак натижаларини эътироф этган ҳолда, мамлакатимизнинг бундан кейин ҳам изчил тараққий этиши, ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторига кириши тарафдори бўлиб қолиши билан бирга, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратилганга қаратилган янги вазифаларни белгилаш ва уларга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Жамшид ПИРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

баркамол авлод вояга етишига замин яратади

Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий химоя сиёсатининг яна бир муҳим йўналиши, бу — аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш. Зеро, аҳолининг, муҳофаза, ёш авлоднинг соғлиги миллатимиз бардавомлиги ҳамда юртимиз тараққиётининг ишончли қаролиги ҳисобланади. Шу боисдан ҳам истиқлол йилларида республикамизда аҳоли саломатлигини асраш, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Албатта, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмагандек, тиббиёт соҳаси олдида ҳам янгидан-янги долзарб ҳамда ўткир вазифалар пайдо бўлмоқда. Жаҳонда илм-фан, техника, тиббиёт соҳалари тез сурияларда тараққий этиб бораётган бир пайтда демографик муаммолар, экологик бўҳронлар оқибатида келиб чиқиш сабаби ва қолдирадиган асоратлари ҳақида хаттоки энг нуфузли илмий марказлар, жаҳоннинг кўзга кўринган олим ҳамда шифокорлари ҳам етарлича маълумотга эга бўлишга улгурмаётган янги-янги касалликларнинг пайдо бўлаётганини инобатга олсак, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматнинг сифатини мунтазам равишда яхшилаш,

бу соҳадаги илмий-амалий изланишларнинг самардорлигини кучайтириш, тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга қаратилган масалаларга эътиборни сусайтириб бўлмайди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастурида аҳолининг барча ижтимоий қатламлари ўз вақтида, мунтазам, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш гоёси илгари сурилмоқда. Номзод мустақиллик йилларида Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилаётган маблағлар улуши салкам 2 баробар ошганлиги,

амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари, эришилган улкан марраларни эътироф этган ҳолда, ушбу соҳани янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этишини кайид этмоқда. Хусусан, Наримон Умаровнинг сайловолди дастурида аҳоли кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш борабариди, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш масалаларига ҳам доимий аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидланмоқда. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларнинг сифатли тиббий хизматлар билан таъминланганлик даражасини ривожлантириш, деб бўлмайди. Айрим таълим муассасаларида бу борада етарли моддий-техника базаси яратилмаган, баъзиларида эса малакали тиббий ходимлар тақчиллиги кузатилаётган. Хар бир бола ўрта ҳисобда суткасига 6-8 соат, айрим ҳолларда эса 9 соатгача вақтини мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ўтказишни

инобатга оладиган бўлсак, уларнинг руҳий ҳамда жисмоний ҳолати, саломатлигини доимий назорат қилиш, болалардаги ўзгаришларни ўз вақтида пайқаш ва тор доирадаги тиббиёт мутахассисларига тўғри йўналтириш, энг асосийси, ўқувчи ёки тарбияланувчининг ота-онаси, оила аъзоларининг тиббий саводхонлигини юксалтиришда айнан ушбу тизимдаги тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш долзарб вазифа ҳисобланади. Номзодимиз диққат-эътиборида бўлган дори воситаларининг ноқонуний айланиши, энг ёмони, инсон саломатлигини тиклаш ўрнига зарар етказиш хавфини кучайтирувчи қалбақлаштирилган ҳамда сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш масаласининг ижтимоий аҳамияти ҳақида ҳам узок сўз юритиш мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2016 йил январь ойида берган баёнотида кўра, шу пайтга қадар дунё бўйича стандартларга мувофиқ бўлмаган, сохта, қалбақлаштирилган ёки ноқонуний йўллар билан сотувга чиқарилган 920 номдаги дори воситалари истеъмолчи-

ларга тақлиф этилган аниқланган. Бундай дори воситалари беморнинг дардига даво бериш ўрнига уларга руҳий ёки жисмоний зиён етказиши ёки ҳеч қандай наф келтирмастлиги турган гап. Шунинг учун дори воситаларининг сотувини жамоатчилик назорати доирасида кузатиш, уларнинг нархи ва таркиби, қўлланиши ва салбий таъсири юзасидан очиқ, шифоф маълумотлар тарқатилишига оид механизмни амалга ошириш давр талабидир. Ўз электорати сифатида тиббиёт ходимларини алоҳида эътироф этган, қолаверса, аъзолари ва хайрихоҳлари орасида айнан шу соҳа мутахассислари кўпчилигини ташкил этиб келаётган “Адолат” СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастурида аҳоли ўртасида талаб юқори бўлган тиббиёт муолажаларига, хусусан, трансплантология, экстракорпорал уруғлантириш ва бошқа илғор тиббий хизматларга руҳсат беришга оид фоя илгари сурилгани ҳам бежиз эмас. Афсуски, ҳаётда ҳеч бир инсон бедаво хаста-

ликка чалинмаслик ёки таназидаги бирор-бир аъзоси ишдан чиқмаслигидан тўлиқ қафолатланмаган. Шундай вазиятда дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўлланиб келинаётган ҳамда юзлаб, минглаб инсонларнинг ҳаётга қайтишига хизмат қилаётган трансплантология сингари замонавий тиббий хизматлардан фойдаланишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Биргина инсонни бўлса-да қутқариб қолишнинг имкони бор экан, демак, бу тиббий хизматни амалда қўллаш ўзини оқлаши номзодимизнинг сайловолди дастурида алоҳида таъкидланган. Фарзанд оила қувончи, унинг мустақамлиги гарови, авлодлар давомчиси-дир. Афсуски, жамиятимизда эр ёки хотиннинг хасталиги туфайли фарзанд кўриш бахтидан айро бўлиб қолаётган оилалар ҳам учраб туради. Маълумки, бугунги кунда тиббиётда экстракорпорал уруғлантириш ёрдамида зурриёт қолдириш имкони яратилган. Аммо республикамизда замонавий тиббиётнинг бундай тури амалиётда мавжуд бўлмаганлиги сабабли ҳозирги пайтда бефарзанд оилалар хорижий давлатларга бо-

риб муолажа олишга мажбур бўлмоқда. Ваҳоланки, юртимизда бу муолажани ривожланган мамлакатларникидан қолтирмайдиган даражада ва бир неча баробар арзонроқ нархда амалга ошириш имконияти мавжуд. Шу маънода, Наримон Умаровнинг дастурида белгиланган мазкур илғор тиббий хизмат турини мамлакатимизда ҳам жорий қилиш тақлифи ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Яъни бу орқали фарзандсизлик муаммоси туфайли бузилиб кетаётган оилаларни сақлаб қолиш, айрим бефарзанд оилаларни оналик ва оталик бах-

тига муяссар этишдек эзгу ҳамда хайрли мақсадлар белгиланган. Бундан ташқари, номзодимиз дастурида скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва перинатал хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари ҳам ўрин олганки, буларнинг барчаси келажатимиз давмчилари бўлган зурриётларимизни дунёга келтирувчи хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва шифо-вардида соғлом авлодни вояга етказишдек улғувор мақсадларимизни амалга оширишга хизмат қилади.

Муҳтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод — Наримон Мажитович Умаровнинг сайловолди дастури бошқа тизим ва тармоқлар баробарида тиббиёт соҳасининг бугунги ва келгуси истиқболга мўлжалланган аниқ вазифа ва мақсадларининг белгилангани билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис сайловчиларни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод — Наримон Мажитович Умаровга овоз беришга чақирамиз.

Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Наримон Умаровнинг ишончли вакили, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Сирдарё вилоят филиали директори Юлдуз Усмоновнинг Сайхунбод тумани ва Ширин шаҳридаги сайловчилар билан учрашуви қизгин ва кўтаринки руҳда ўтди.

Партиямиз номзодига фуқароларнинг хайрихоҳлиги ортмоқда



Ишончли вакил номзоднинг сайловолди дастурида жамиятда адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни устуворлигини, бошқарувда очиқлик, шаффофлик ва жамоатчилик назорати таъминлаш бўйича илгари сурилганга эътибор



қаратди. Шунингдек, у мамлакатимиз равнақи ва келажиги учун барча бирдек масъул эканлиги тўғрисида таъкидлади ва номзоднинг сайловолди дастуридаги ҳар бир йўналишнинг мазмун-моҳияти хусусида батафсил тўхтади.

Учрашувларда сайхунбодлик сайловчилардан Халима Усанова, Дилфуза Бобоёрова, Малик Аҳмедов, Ширин Шаҳридик сайловчилардан Матдуба Раҳмонова, Шухрат Салиев, Хамдам Холмуродов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, партия номзоднинг сайловолди дастури ҳудудларни, жумладан, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда аниқ тақлифларга бой экани билан фуқароларга мақбул бўлаётганини айтиб, дастури кўлаб-қувватлашни билдирдилар. Тадбир давомида савол билан мурожаат қилган сайловчилар ишончли вакилдан батафсил жавоб оlishди.

— Аввало, вилоятимизда катта-кичик янги корхоналар сони ортаётгани, турли маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйган тадбиркорлик субъектлари замон ва тараққиёт талабларига мос фаолият юритишга ҳаракат қилаётганини эътироф этиш ўринлидир. — дейди биз билан суҳбатда Сайхунбод тумани "Шодлик" ҚФЙ раиси Туйғуноя Хасанова. — Бунинг бугунги кунда иқтисодиётимизнинг ўсиши натижасида барча ҳудудларнинг инфратузилмаси ўзгариб, кўлаб ишлаб чиқариш корхоналари, хўжалик юртувчи субъектлар сони, қўшма корхоналар кўпайиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Ўз-ўзидан мазкур корхоналарда соҳа мутахассисларига бўлган талаб ҳам ортиб боради. Аҳолининг демографик жиҳатдан ўсиши ва уларада олий таълим олишга талабдор иқтидорли ёшларнинг сафи кенгайганлигини эътиборга олак, Президентликка номзоднинг сайловолди дастурида олий таълим муассасаларига қабул қилинидаги квоталар тизимини қайта кўриш масаласи ўртага қўйилиб, бу борада аниқ тақлифлар билдирилганлиги мақсада мувофиқдир. Қишлоғимизда ҳам шундай қобилиятли ёшлар талайгина. Улар орасида ҳам иқтисодиёт тармоқларида билимдон мутахассис сифатида ишлашни, олий маълумотли бўлишни ёки илмий тадқиқот, изланишлар олиб боришни истайдиган интилувчан йигит-қизлар бор. Ишончли вакил, шундай ёшлар ҳам партия номзодининг ўз манфаатлари акс этган сайловолди дастурини кўлаб-қувватлашади. Шунингдек, ёшларга маърифат улашган ўқитувчилар, илм-фанга меҳр қўйган фарзандининг қобилияти юзага чиқишига ишончи ортган ота-оналарни ҳам дастур асло бефарқ қолдирмайди.

— Яқинда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг "Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари" бўйича доимий комиссияси мажлисида Ўзбекистон "Адолат" СДП гуруҳининг "Аҳолини сифатли ва рақобатбардор дори воситалари билан таъминлаш, дори воситалари ва тиббий буюмлар нархларининг асоссиз равишда ошиб кетишининг олдини олиш чора-тадбирлари" масаласида ўртага ташлаган тақлифлари ҳам партиямизнинг аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш борасидаги позициясини яққол акс эттирган эди. — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Салоҳиддин Элмуродов. — Бу тақлиф депутатлик гуруҳимиз аъзоларининг жойларда олиб борган ўрганишлари, таҳлил ва хулосаларига таяниб ишлаб чиқилди. Шунингдек, ёшларга маърифат улашган ўқитувчилар, илм-фанга меҳр қўйган фарзандининг қобилияти юзага чиқишига ишончи ортган ота-оналарни ҳам дастур асло бефарқ қолдирмайди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ишончли вакилнинг сайловчилар билан учрашувлари партиямиз номзодига ҳудуд аҳолиси ўртасида хайрихоҳлик ортиб бораётганини кўрсатди.

Шухрат ҲАСАНОВ,
Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

"Амалий тақлифларни маъқуллаймиз"

Президентликка номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили, Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари Р.Отарбаевнинг сайловчилар билан учрашувлари самимий мулоқотларга бой тарзда ўтди.

Ишончли вакил таъкидлаганидек, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизга янада тўқис, фаровон турмуш шароитларини яратиш, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий соҳалардаги ислохотларда фаол иштирок этишни мақсад қилган сиёсий куч сифатида Президентлик сайловолди муносиб иштирок этишга бел боғлаган.

Р.Отарбаев иштирокчиларни Н.Умаровнинг таржимаи ҳоли билан таништирар экан, партиямиз номзоднинг кўп йиллар мобайнида давлат бошқаруви органларида ҳамда давлат ва жамият бошқарувининг турли соҳаларида самарали фаолият юритиб келаяётганини алоҳида қайд этди.

Учрашувларда номзоднинг сайловолди дастури

иқтисодий ҳаёт талабига мослиги, аҳолининг манфаатларига уйғунлиги тадбир иштирокчилари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди.

— Ҳаётимизга кириб келаятган муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш орқали рақобатдош энергия бозори яратилишини рағбатлантириш масаласи номзод дастурида илгари сурилганлиги бизни бефарқ қолдирмайди, — дейди тадбир иштирокчиси, Тўрткўл педагогика коллежи директори ўринбосари Д.Аминов. — Чунки юртимизда муқобил энергия манбалари, хусусан, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш имконлари жуда кенг. Она заминимизда саховатли қуёшли кунлар деярли йил бўйи давом этади.

— Шу билан бирга, мамлакатимизда уй-жой-коммунал соҳаси ва кундалик турмушда кенг фойдаланишга мўлжалланган қуёш батареяси ва бошқа қайта тикланувчи энергия олишга ихтисослашган инновацион технологияларни аҳолининг харид қобилиятига мос нархларда ишлаб

чиқарилишини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги кучли ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни амалга оширишнинг амалий йўлидаси бўлиши аниқ, — дея ўз фикрини баён қилди Мўйнок туманидаги "Бўзатов" овул фуқаролар йиғини раиси Жадгар Бисенбаев. — Номзоднинг дастурида фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига таянган, илгор инновацион тафаккури тарбиялайдиган таълим тизимини ривожлантириш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлигини кучайтиришга доир белгиланган вазифалар ҳам айнан бугунги кун талабларидан келиб чиққанлиги билан аҳамиятлидир. Биз коллежини битирган ёшларнинг бандлиги таъминлашни, улар орасида ўқиниш давом эттиришни истаган йигит-қизларнинг олий таълим билан кенг-роқ қамраб олинishi тарафдоримиз. Негакки, номзоднинг дастурида қайд этилганидек, олий маълумотга эга инсон давлатдан иш сўраб, ёрдам кутиб ўтирмайди, балки ўзининг

ташаббускорлиги, зукколиги ва уddaбурунлиги, янгиликка интилувчанлиги билан янги иш ўринлари яратаяди, мамлакатнинг ривожланишида фаол иштирок этади. Дастурдаги бу каби амалий тақлифларни маъқуллаймиз.

Бўлажак сайлов кунига юрдошларимиз ўз ҳаётидаги муҳим аҳамиятга эга сана сифатида қараётганлиги, мамлакат Президентлигига сиёсий партиядар томонидан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди дастурий вазифаларига бефарқ эмаслиги Нукус, Кегейли, Тахтақўпир ва Қораўзақ туманларида ўтказилган учрашувларда сайловчилар билдирган фикр-мулоҳазалар ва савол-жавобларда ўз аксини топди.

— Мен Тахтақўпир тумани кишлоқ хўжалик касб-хунари коллежи 3-босқич ўқувчисман, бу йил Президент сайловиде илк маротаба иштирок этаман, — дейди Жадира Қувандикова. — Наримон Умаровнинг сайловолди дастуридаги қатор жиҳатлар, айниқса, ёшлар манфаатларига қаратилган амалий тақлифлар диққатга мо-

лик. Ёшларни муносиб ҳаёт тўланадиган меҳнатга жалб қилиш, коллеж битирувчилари ва ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш юзасидан давлат дастурида амалда бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли бандлигини тўқитиш таъминлаш ва ишсизликни минимал даражага кескартириш сингари ҳаётини мақсадлар нафақат ёшларни, балки ота-оналарнинг ҳам қизиқишига сабаб бўлади.

Учрашувларда қорақалпоғистонлик ҳар бир фуқаро бўлажак сайлов орқали ҳам мамлакат ва жамият бошқаруви ишларига фаол қатнашиш имконига эга эканидан мамнуулиги яққол акс этди.

Жонли мулоқот ва қизиқарли савол-жавобларга бой тарзда ўтган учрашувларда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларига партия номзодининг ишончли вакилидан батафсил жавоб оlishди.

Ширин ТОРЕШОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

Инсон манфаатларига уйғун ғоялар

Наримон Умаровнинг Наманган вилоятидаги ишончли вакили, Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Олимжон Мақсудов навбатдаги учрашуви Янгиқўрғон тумани сайловчилари билан ўтказди.

вақтида, мунтазам, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни таъминлаш кераклиги тўғрисидаги фикрларни кўлаб-қувватлайман. Мактаб ва мактабгача таъ-



Туман марказидаги иқтисодиёт ва транспорт касб-хунари коллежи билимида таълим этилган тадбирда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимлари, тадбиркорлар, фермер хўжалиқлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари, партиядошларимиз қатнашдилар. Учрашуви Янгиқўрғон тумани партия кенгаши раиси Дилбарўз Тўхташнова олиб борди.

Ишончли вакил Олимжон Мақсудов дастлаб сайловчиларни Наримон Умаровнинг таржимаи ҳоли билан таништириб, сўнгра номзоднинг дастуридаги усту-

англадим. Аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг қўламли ислохотларни босқичма-босқич давом эттириш ҳақидаги фикрлар хотин-қизлар манфаатларини ифодалаб турибди. Уларнинг янада чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш, меҳнат бозорига уларга имтиёзлар бериш, иқтидорли ҳамда юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлганларини давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига ва бўйинларига жалб қилиш масалаларига усту-

лим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, дори воситаларининг ноқонуний айланishi, қалбақлаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиётганлиги ҳам диққатга сазовор. Аҳоли ўртасида талаб юқорилиги кўза ташланаётган бир қатор тиббиёт муолажаларига, хусусан, трансплантологияга, экстракорпо-



йўналишлар тўғрисида фикр юритди. Жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларида мамлакат тараққиётини янги, янада юқори босқичга кўтариш юзасидан дастурда илгари сурилган масалалардан сайловчилар хабардор этилди. Сайловчилар ҳам дастурга ўз муносабатини билдирдилар.

Янгиқўрғон иқтисодиёт ва транспорт касб-хунари коллежи ўқитувчиси Зоҳида Аҳмадалиева:

— Мен ишончли вакилнинг маърузасидан дастурда жамиятда хотин-қизларнинг мавқени янада кўтариш юзасидан қатор тақлифлар билдирилганлигини

вор вазифалар сифатида қараш тўғрисидаги масалалар жуда ўринли. Шунинг учун номзод дастурини тўла кўлаб-қувватлайман.

Туман кўп тармоқли поликлиникаси ҳамшираси Майрамхон Турғунова:

— Ўзим тиббиёт ходими бўлганлигим учун, биринчи навбатда, дастурда аҳоли саломатлигини сақлашга оид қандай масалалар кўйилганлиги билан қизиқдим. Чунки бу борадаги ишлар жамиятда халқнинг келажиги ва тараққиётини белгилаш учун муҳим аҳамиятга эга. Аҳолининг барча ижтимоий қатламлари ўз

рал урулантириш ва бошқа замонавий тиббий хизматларга руҳсат бериш зарурлиги ҳақидаги фикрлар ҳам кўпчиликка маъқул тушганлиги аниқ.

Ишончли вакил ва партиямиз фаоллари мамлакатимизда Президент сайловига тайёрлик юқори даражада ташкил қилинганлиги сайловчилар эътиборини қаратиб, уларни Наримон Умаровга овоз беришга қаттиқлар.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Масаланинг мақбул ечими

Жумладан, Миразқўл туманидаги болалар мусика ва санъат мактабида партиямиз фаоллари, маҳаллалар аҳли, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ана шундай ташвиқот тадбири бўлиб ўтди.

Учрашувда номзоднинг ишончли вакили Дилбар Ҳақимова маъруза қилиб, йиғилганларни Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил ушбу дастур партиямизнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётга асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етуқ адолатли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган дастурий мақсад ва вазифаларига асосланганлиги, унда қатор долзарб вазифалар қайд этилгани, шу билан бирга, бугунги кунда жамиятимизнинг турли соҳаларида учраётган айрим муаммолар, фуқароларни ўйлантираётган масалалар ечимини бўйича аниқ тақлиф ва механизмлар илгари сурилганини таъкидлади.

Тадбирда партиямиз фаолларидан туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва таъкид этиш бўлими ходими Мансур Бердиқулов, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника шифокори Баҳодир Ғаниев ва бошқалар дастурдаги ғоя ва мақсадларнинг халқчиллиги, уларни рўёбга чиқариш инсон ва унинг манфаатларини ҳимоялашга, мамлакатимизда барча соҳаларни юксак даражада ривожлантиришга хизмат қилиши ҳақида фикр билдирди.

— Наримон Умаровнинг сайловолди дастурида белгиланган вазифалар халқчиллиги, инсонларарлик юзасидаги йўналтирилганлиги билан бошқа сайловчилар сингари менга ҳам маъқул бўлди, — дейди ер тузиш ва кадастр хизмати туман бўлими мутахассиси Илхом Нуралиев. — Айниқса, мазкур сайловолди дастуридаги энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни кенг миқёсда жорий этиш, мавжуд муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш орқали рақобатдош энергия бозорини яратиш, муқобил энергия манбалари, хусусан, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш юзасидан қонунийлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, соҳадаги зарур стандарт ва меъёрларни тасдиқлаш борасидаги фикрлари айнан ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб илгари сурилган.

Шу ўринда айтиш жоизки, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш орқали хонадонларни ёритиш телевидение орқали берилган янгиликлар, кўрсатув ва дастурлар билан кўпроқ танишиб бориш, қолаверса, компьютер билан ишлаш имконларини оширади. Президентликка номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастурида мазкур йўналишда илгари сурилган ғояларни амалга ошириш билан нафақат Миразқўл туманидаги, балки вилоятимизнинг чекка ҳудудларидаги аҳоли хонадонлари бундай қулайликлардан кўпроқ фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Наримон Умаровнинг ҳаётини тақлифларга бой ва аниқ вазифалар ўрин олган сайловолди дастурини тўқитиб кўлаб-қувватлайман.

Учрашув жараёнида сайловчиларнинг барча саволларига ишончли вакил батафсил жавоб қайтариш билан бир қаторда 4 декабрь кунги бўлажак сайловда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Умаровга овоз беришга ундади.

Узоқбой РИСКУЛОВ,
Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

ЮКСАК МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИЛАДИ



Жаннатмонанд Ватанимизда йилнинг уч юз кунда қўёш чарқлаб турди. Бу эса, солиштириладиган бўлса, офтобнинг нур таратиши Японияга нисбатан икки баробар кўп демекдир. Шу биргина мисолнинг ўзидек она юртимиз ҚТЭМ ривожланиши бўйича жаҳоннинг энг илгор мамлакатлари билан беллаша оладиган кунлар яқин эканлигиндан далолат беради.

Олимларимизнинг кузатишларидан аён бўлишича, мамлакатимизда 51 миллиард тонна нефть эквивалентга тенг қайта тикланувчи энергия манбалари бор.

ва кенг қўламли вазибаларни ҳал этишга қодир бўлган, юртимиз ва халқимиз манфаатларига салдоқатли янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб биламиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда биз аҳолининг олий таълим билан қамраб олинишини кенгайтириш тарафдоримиз. Маълумки, бутунги кунда коллеж-лицейлар битирувчиларнинг фақат 9 фоизгина олий ўқув юртига киришга муваффақ бўлмоқда. Бу кам, жуда ҳам кам. Зеро, олий таълимга эга инсон дав-

ешларни танлаб олиш сифатини ошириш ҳамда ҳудудларнинг муайян иқтисодий устуңликларидан келиб чиққан ҳолда пойтахтда жойлашган олий таълим муассасаларини тегишли ҳудудларга боқсичма-боқсич кўчириш тарафдоримиз.

Ўзингиз бир тасаввур этиб кўринг: бир неча йиллардан буён Термиздаги ягона университетда бир ўринга ҳар йили камида 20 та абитуриент даввогарлик қилади. Бу ана шу йилгидан нафар абитуриентдан фақат бир нафари талаба бўла олади, дегани. Энди, айтилтиқ, Андижонда машинасозликка, Навоийда замонавий инновацион технологияларга, Сурхондарёда доринуюслукка ихтисослашган олий ўқув юртлирини очиб мақсадга мувофиқ эмасми?

Сиз айтётган таълим сифати пасайиши муаммосига келсак, хавотирингиз ўринсиз. Биз айнан олий таълим муассасаларини корпоратив турдаги олий таълим муассасаларига айлантириш орқали уларнинг соҳавий ихтисослашувини кучайтириш тарафдоримиз. Демак, соғлом рақобат кучайиши таълим сифатининг ҳам кучайишига олиб келади.

— Дастурингизда табиатнинг инфоляциясини камайтириш мақсадига чанг ва захарли моддаларни кўп ютувчи долдарахтлар сонини ва турини ошириш, шаҳарлар ва sanoat корхоналари атрофида "яшил майдон"ларни барпо этиш, саксовул ва бутазорларни кенгайтириш тақдирини бергансиз. Бундай узоқ муддат, катта харажатлар ва алоҳида ҳудудларни талаб этидиган ишларни амалга оширишнинг аниқ механизми борми?

— Бир пайтлар бобокалони-миз Абу Али ибн Сино "Агар ҳавода чанг ва губор бўлмаса эди, одам минг йил яшарди", деб айтган экан. Афсуски, бу-

Арзуғул ҚИДИРБӨЕВА,
Коракалоқ давлат университети экология ва тупроқшунослик кафедраси катта илмий ходими:

— Собиқ тузум даврида экологик оқибатларни йўлмасдан сувдан иноклонга фойдаланиш, уни исроф қилиш, сув тақсислигининг юзага келиши Орол денгизининг қуришига олиб келди. Оролга келиб қўшилидиган дарё сувлари 4,5 баробар қисқариб, унинг сув юзаси 8 марта камайди. Сув сатҳи 29 метрга пасайди. Шўрланганлик даражаси эса деярли 25 мартабадан ортиб, дунё океанлари минераллашуви кўрсаткичига нисбатан 11 баробар кўпайди.

Бу оқибатлар минтақа флора ва фаунасида ҳам ўзининг салбий таъсирини етказди. Қуриган денгиз ўрнида ҳосил бўлган Оролқум саҳроси майдони 5,5 миллион гектарга етиб, ундан ҳар йили қарийб 100 миллион тонна қум-чанг ва захарли тузлар атмосферага тарқалиши маълум бўлмоқда. Денгизнинг қуриши, ушбу ҳудудда яшовчи одамлар соғлигига ва ҳаёт тарзига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу муаммоларга чора топиш ва экологик ҳудудда яшовчи аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида 1993 йил январда Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон ҳамкорлигида Оролни қўқариш халқаро жамағатаси ташкил этилди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон Орол фожиаси асоратларини камайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан, 1997-1999 йилларда Жамғарига раислик қилган республика-миз томонидан ОҚХЖ ҳуқуқий базасини ривожлантириш, Орол денгиз ҳавасида барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида халқаро ташкилотлар ва молия муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича катор чора-тадбирлар амалга оширилди. 2011 йилда умумий майдони 68,7 миң гектарга тенг Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ташкил этилди. Орол иқлимозини кузатилаётган ҳудудда 740 миң гектарлик иҳтозазор барпо этилди. Чунончи, денгизнинг қуриб қолган ҳудудидо ҳозир 310 миң гектарлик яшил ҳимоя кўрени мавжуд. Бундай майдонларни янада кенгайтириш ишлари давом этмоқда. Коракалоқистон Республикасида 1,7 миң километрлик водопровод тармоқлари тортилиб, аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 4 марта ортиди. Қишлоқ табиёт нукталари, туғуруқхоналар, экология маркази реконструкция қилиниб, улар зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Президентликка номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастурида экология масалалари ижтимоий-иқтисодий сиебатимизнинг устувор вазибаларидан бири бўлиб, бу соҳани комплекс ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш ва уни ҳаёtgа татбиқ этиш вазибаласи аниқ тарзда белгилангани билан сайловчилар эътиборини тортмоқда.

гунги кун реаллиги шундайки, ҳаводаги чанг ва губорга инсон саломатлиги учун ўта хавфли бўлган кимёвий унсурлар ҳам қўшилган. Айрим маълумотларга қараганда, бутунги кунда жаҳон аҳолисининг 90 фоиздан ортиғи соғлиқ учун зарарли бўлган ҳаводан нафас олади.

Шу сабабли биз экологик жиҳатдан тоза технологиялар асосида жадал ривожланиши таъминлашга йўналтирилган му-таносиб иқтисодий сиебат олиб бориш тарафдоримиз.

Умуман олганда, биз экология масалалари ижтимоий-иқтисодий сиебатимизнинг устувор вазибаларидан бири деб била-миз ва бу соҳани комплекс ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш, уни ҳаётга татбиқ этиш ниятидамыз.

Табиат нақадар доно. Юртимизда ўсадиган шундай долдарахтлар борки, улар чанг ва захарли моддаларни ютиб, соф кислород ишлаб чиқаради. Табиатнинг бундай неъматидан фойдаланмасдан бўлмайди, албатта.

Бугун бутун дунё, айниқса, ривожланган давлатлар табиат билан ҳамоханликда яшашга интиломоқда. Биз ҳам шаҳарлар ва sanoat корхоналари атрофида яшил майдонлар барпо этиш, саксовул ва бутазорларни кенгайтириш орқали атроф-муҳит мусоаффолигини таъминлаймиз.

— Дастурингизнинг устувор йўналиши сифатида давлат ҳокимияти органларининг шаффофлиги, очқиллиги ва ҳисобдорлиги таъминлаши таъминлаши давом эттириш кўрсатилган. Маълумки, юртимизда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқиллиги

тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Айни пайтда мазкур қонуннинг ижроси Сизни қониқтирадими? Бу борда яна қандай ишларни амалга ошириш керак, деб ҳисоблай-сиз?

— Албатта, мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқиллигини таъминлаш, қабул қилинадиган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг улар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан кенг фойдаланишларига имконият яратиш, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда амалий қадам бўлди.

Қолаверса, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқиллиги тўғрисида"ги қонун нормаларини амалиётга татбиқ этишнинг узвий давоми сифатида "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун

Сайловчи фикри

Шаҳримиз ҳавоси мусоаффо бўлади

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партия-сидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг вилоятимиз сайловчилари билан учрашувида қатнашар эканман, унинг сайловолди дастурини эътибор билан тингладим ва қониқиб ҳосил қилдим.

Президентликка номзод сайловчилар эътибори-ни Навоий шаҳри республикамиздаги sanoatлаш-ган ҳудуд эканлигига қаратар экан, йирик sanoat корхоналарининг шаҳар экологияси ва атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш юзаси-дан ўз тақдирларини илгари сурди. Жумладан, экология соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш, уни ҳаётга татбиқ этишини маълум қилди. Дастурда, хусусан, табиатнинг sanoat корхоналари томонидан ифлос-ланишини камайтириш, чанг ва захарли моддалар-ни кўп ютувчи дарактлар сонини ва турини оши-риш, шаҳарлар ва sanoat корхоналари атрофида яшил зоналар барпо этиш орқали атроф-муҳит мусоаффолигини таъминлашга қаратилган аниқ механизмлар белгиланишини қайд этди. Бу бора-даги вазибалар айнан Навоий шаҳри ҳавосининг мусоаффолигини таъминлаш ҳамда фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилишда долзарб аҳами-ят касб этиши хусусидаги фикрлар бўлгунги кун учун ниҳоятда долзарб, деб ҳисоблайман.

Гулшан РҮЗИЕВА,
Навоий шаҳридаги 3-сонли оилавий поликлиника бош ҳамшираси

Матбуот тараққиётга хизмат қилади

Мамлакатимизда кейинги йилларда матбуот соҳасини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастуридан ҳам ўрин олган. Жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Умаровнинг дасту-рида бу борда шундай дейилади: "Ахборот соҳаси-да рақобат муҳитини янада кучайтириш, олиб бори-лаётган ислохотларнинг, давлат ички ва ташқи сиебатининг очқил ва очқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг фаолигини ошириш зарур, деб биламиз. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчи-лик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамият-чиликнинг изчил алоқасини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш устувор вазибаласи ҳисобланади".

Албатта, матбуот соҳасини демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, аввало, оммавий ахборот воситаларининг ўзини тараққий қилдиришга, уларнинг жамият ҳаётида тугган ўрини оширишга имкон яратди. Янги ҳар бир матбуот нашрининг ўзига хос фикрлаш тарзи пайдо бўлади, жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни, ўзга-ришларни, янгиликларни очқилқил, ошқоралик билан ёритади. Бу эса матбуот нашрларининг халқ кўз ўнгида ўзига хос киефасини шакллантиради. Ҳақ сўз, ўзига хос фикр омманинг матбуотга нисбатан ишон-чини оширади. Оммавий ахборот воситаси жамият-нинг илгор кучига айланади.

Қолаверса, оммавий ахборот воситаларини де-мократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш жамият тараққиёти учун, уни демократик жамиятга айлантириш учун ҳам хизмат қилади. Ижтимоий воқелик, халқ ҳаёти матбуотда ҳолислик билан ҳақоний ёритиб берилар экан, мамлакатда қўлга киритилаётган муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш, йўл қўйилаётган камчиликларни, нуқсонларни бартараф этиш, тараққиёт омилирини тўғри белгилаш учун йўл очилади. Шунинг учун ҳам Президентликка номзоднинг дастуридан ҳам олган бу борадаги фикрлар алоҳида эътирофга лойиқ.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида жиддий ўзгаришлар, янгиликлар вужудга келмоқ-да. Ҳўш, бу ахборотлар тизими, матбуот нашрлари халқимизга қандай етказилмоқда, улардан газетхон-лар, умуман, замондошларимиз қандай баҳраманд бўлмоқда, деган савол туғилади. Бир қарашда, бу борадаги ишлар кўнгилдагидек амалга оширилаёт-ганга ўхшайди. Газета ва журналларга обуналар узулксиз давом этмоқда. Радио эшиттиришлари ва телевидение кўрсатувлари кечю кечю кундуз тинмайди. Лекин бу соҳага жиддийроқ назар ташланса, айрим муаммолар, ҳал қилиниши керак бўлган масалалар мавжудлиги кўзга ташланади. Масалан, республика-миз вилоятларининг айрим нукталарида электр токини етказиб беришга узилишлар бўлганлиги сабабли нафақат хонадонлар ёритиш тизимидан ажралади, балки ўша жойларда яшовчилар радио ва телевидение орқали бериладиган ахборотлардан ҳам бенасиб қоладилар. Еҳуд газетга ва журналларнинг обуна нархлари юқорилиги сабабли бир газетхон ёки журнал муштариёси икки-учта ва ундан кўпроқ нашрларга обуна бўлолмайди. Ваҳоланки, ҳар бир газетхон учун ахборот тизимидан тўлароқ хабардор бўлиш учун кўпроқ матбуот нашрларини кузатиб бориш ҳаётий зарурат ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизнинг йирик шаҳарларидан ташқари шаҳарлар, қишлоқлар, посёлкаларда газеталар, журналлар ва босма нашрларни сотаётган савдо шохобчаларининг қамлиги ҳам халқимизнинг ахборот воситаларидан фойдаланишида номзод муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Шу сабабли Президентликка номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастурида бу ҳақда сўз юритилиб, "Биз босма оммавий ахборот воситалари махсулотларини тарқатиш соҳасида рақобатни ривожлантиришга, даврий матбуот махсулотлари-нинг чакана савдо тармоқларини кенгайтиришга алоҳида аҳамият берамиз", дея бу борадаги муам-моларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган. Шунинг учун номзоднинг дастурини қўллаб-қувват-лаймиз.

Зулфия ХАЛИЛОВА,
"Когон ҳаёти" газетаси муҳаррири

Шероабек ТҮЙЧНЕВ,
Тошкент стоматология институти
Анджон филиали талабаси:

— Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастури биз, ёшларга ниҳоятда маъқул бўлди. Чунки унда ёшларга, табиёт соҳасига алоҳида эътибор берилган. Айниқса, дастур-даги "...Хорижий етук табиёт марказлари билан ҳамкорлик ўрнатилиши, чет эл врачларининг Ўзбекистон табиёт муассасалари-да жарроҳлик операциялари ўтказиш амалиётини кенгайтириши-га, уларни доимий асосда ишга тақдиф қилиш орқали миллий мутахассисларимизнинг мадақасини оширишга алоҳида эътибор қаратамиз", деган сўзлар биз — бўлгуси стоматологларни беҳад қувонтирди. Негаки, табиётнинг ривожланиши учун бундай алоқалар жуда муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, дастурда "Олий ўқув юртлирига қабул қилишда-ги квоталар тизимини ҳам қайта кўриш, барча талабгорларга олий таълим олиш ҳуқуқини берил"и" гоёси илгари сурилгани ҳам алоҳида эътиборни тортади. Кейинги йилларда тенгдошларимиз орасида ўқишга бўлган қизиқиш ортиб бораётганини сир эмас. Демак, улар учун шароит яратиш, қабул сонини оширишни кўриб чиқиш мақсадида мувофиқдир.

Шу сабабли биз юртимизда энергиянинг мавжуд барча му-қобил турларини комплекс ра-вишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишга ҳаракат қиламиз. Айниқса, қишлоқларда янги иж-тимоий объектлар — қишлоқ врачлик пунктлари, болалар богчалари, мактаблар, болалар спорти, телекоммуникация ва почта алоқаси объектларини қуришда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойда-ланган ҳолда, энергияни тежай-диган инновация тизимларини жорий этамиз.

Шубҳасиз, келажак — муқо-бил энергияларники. Аммо бу эртага ёки индинга битмас-ту-ганмас энергия манбалари ишга тушади, деган гап эмас, албатта. Бу узоқ давом этадиган жараён.

— Сиз сайловолди дастури-нгда ёшларнинг олий таълим билан кенг миқёсда қамраб олиниши тарафдори эканлигин-гизни, жумладан, ўқув ўринлари квоталарини ошириш ҳамда масофадан таълим тизимига алоҳида эътибор қаратишингиз-ни қайд этиб ўтгансиз. Айтин-чи, бу гоёларни амалга ошириш ҳаётимиз, жамиятимиз учун қандай самаралар беради? Сиз тақдиф этаётгандек, олий ўқув юртлирини боқсичма-боқсич вилоятларга кўчириш таълим сифати пасайишига олиб келмайдими?

— Бугун биз яшаётган XXI асрда — интеллектуал меҳнат билрамчи аҳамият касб этаёт-ган глобаллашув ва интернет ас-рида, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси ва кескин-лиги тобора ортиб бораётган бир даврда инсон капитали мамла-катнинг муҳим миллий бойли-гидир ва биз унинг ҳар томон-лама кўпайиши ва тараққий этиши, замонавий фикрлайди-ган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга, мамлакатимизни модерни-зация қилиш ва демократик жам-ият қуриш йўлидаги мураккаб

Офтоб НИШОНОВА,
Жиззах шаҳар "Омазор" маҳалла фуқаролар
йўлбошчилиги диний таърифат ва маънавий-ахлоқий
тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Дастурда келтириб ўтилганидек, жамиятимиздаги бошқа ижтимоий қатламлар қатори хотин-қизлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Мазкур масала юзасидан мен фаолият кўрсатаётган маҳалла фуқаролар йиғинида айрим ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Жумладан, маҳалламиз-да мактабгача таълим муассасаси йўқлиги сабабли 261 нафар боғча ёшдаги болалардан айримларининг маҳалла ҳудудидан олиш жойда оқшалаган мактабгача таълим муассасаларига қатнаши, айрим оилаларда бунга шароитларнинг йўқлиги сабабли болалар-нинг уйда тарбияланиётганлиги боғча ёшдаги фарзандлари бор оилалардаги хотин-қизларнинг бўйи вақтларини мазмунли ўткази-ши, иш билан бандлигини таъминлаш борасида, сиесий фаоллигини оширишда айрим муаммоларни юзага келтирмоқда. Шунинг учун номзоднинг дастурида белгилаб берилганидек, хотин-қизларимиз-нинг сиесий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига жалб қилиш, уларнинг юқори билим ва мадақага эга бўлиши учун кенг имконият ва шароитлар яратиш бериш мен сизгари маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг ҳам устувор вазибалари сирасига қиради.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш борасида ҳали ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Буларни ҳал қилиш асосий вазибаларимиздан биридир. Хусусан, маҳалламизда истиқомат қилаётган 121 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда 200 нафардан зиёд норасмий ва масвумий иш билан шугулланувчи ёшларнинг доимий иш билан бандлигини таъминлаш борасида ҳам муаммолар йўқ эмас. Шу сабабли дастурда кўрсатиб ўтилганидек, ушбу муаммо-ларни ҳал қилиш мақсадида мамлакатимизда қўлай бизнес муҳи-тини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аёллар ва ёшлар, коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан чиқаришган давлат дастурларининг ижросига қаратилган жамоат-чилик назоратини кучайтириш, ишсизликни минимал даражада қисқартириш бўйича белгилаб берилган устувор вазибаларни қўллаб-қувватлайман.

Сухбатдош:
Ислом ҲАМРОЕВ

Синфда ўқувчилар сонини меъёрлаштириш борасида ўрганишлар олиб борилмоқда

➤ ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА

Худудларда мавжуд муаммоларни барта- раф этиш, фуқароларни ўйлантираётган масалаларга ўз вақтида ва қонуний тартиб- да ечим топиш орқали депутатлар сайловчи- ларнинг ишончини оқлашга, жойларда қонун устуворлигини таъминлашга эришадилар. Шу мақсадда депутатлик гуруҳимиз томони- дан кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, пар- тиямизнинг дастурий ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқа- ришда депутатлик гуруҳлари- нинг ташаббускорлиги ва масъулиятини қучайтириш давр талабига айланган. Худудларни ижтимоий-иқти- содий ривожлантиришнинг муҳим масалалари устида бош қотириб, зарур таклифларни илгари суришда умумий мақ- садларимиздаги ҳаётий ва халқчил хусусиятларни ҳам намойиш қила олишимиз лозим. Аҳоли билан ҳамнафас иш- лашда, айниқса, тарғибот- ташвиқот ишлари жараёнида зарур масалаларни тўри аниқ- лаб олиш имконияти туғилди.

Жорий йилда депутатлик гуруҳимиз томонидан фуқаро- ларнинг муносабатлари асоси- да мутасадди ташкилотларга киритилган депутатлик сўро- ларининг аксарияти ижобий ҳал этилди. Гуруҳимизнинг ҳар бир аъзоси бу ишга масъ- улият ва жиддийлик билан ёндашиб келмоқда.

Фуқароларнинг тумандаги бир қатор ички йўллари таъ- мирлаш зарурлиги, йўллар- нинг таъмирталаб қисмлари,

айниқса, ўқувчиларнинг мак- табга қатнашида ноқулайлик пайдо қилаётгани ҳақида қил- ган муносабатлари юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Партия гуруҳи аъзолари томонидан мутасад- ди ташкилотлар раҳбарлари- га депутатлик сўровлари кир- ритилиб, ушбу масалалар ўрганиб чиқилди.

Депутатлик гуруҳимизнинг туман ҳокими ўринбосарига, туман ободонлаштириш бош- қармасига, "Йўл-пудрат таъ- мир" корхонаси, тиббиёт бир- лашмаси раҳбарларига, "Нав- гади", "Зарафшон" МФЙлар раисларига юборган депутат- лик сўровлари асосида "Али- ле" қишлоғида мактабга бо- радиган йўлларнинг 5 кило- метр узунлигидаги носоз қис- млари таъмирланди. Туман марказидаги ички йўллар ос- тидан канализация қувурла- ри ўтган қисмларида қувур- ларнинг ҳолати ва бошқа шу каби жараёнларни назорат қилиб бориш учун белгилан- ган жойлар (назорат қудук- чалари)нинг усти очик ҳолда қолиши мумкин эмас, албат- та. Айрим йўлларда ана шун-



дай ҳолатлар борлиги аниқ- ланиб, назорат қудукчалари- нинг усти беркитилди. Бир қатор қўчалар ободонлашти- рилди. "Маҳмуд Торобий", "Нарзи Ражабов" кўчалари- да тунги ёритиш чироклари ўрнатилиб, пиёдалар учун йўлаклар барпо этилди.

Учрашувлардан бирида фу- қаролар "Зарафшон" МФЙ "Тобабар" қишлоғида жой- лашган 23-умумтаълим макта- бининг атрофларини ободон- лаштириш зарурлиги ҳақида бизга ўз таклифларини бил- диришди. Шу мақсадда мута- садди ташкилотларга киритилган депутатлик сўрови ҳам

иш, ўқитувчи ҳам ҳар бир ўқувчи билан мавзу юзасидан лозим даражада шугуллани- ши учун зарурдир. Хозирда мазкур масалани атрофлича ўрганиш ва зарур чора-тад- бирлар кўриш мақсадида де- путатларимиз халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш Жондор туман бўлими раҳ- барига туман мактабларидаги синф ўқувчилари сонини оп- тималлаштириш масаласида депутатлик сўрови юборилди. Ўқитувчилар ва ота-оналар- нинг фикрига кўра ҳар бир синфда ўқувчилар сонининг мақбуллаштирилиши болалар- нинг дарени яхши ўзлашти-

Акбар СОЛИЕВ,
халқ депутатлари
Жондор туман Кенгашидаги
Ўзбекистон "Адолат" СДП
депутатлик гуруҳи раҳбари

Республикамизда 4 декабрда бўла- жак сайлов бугунги кунда фуқарола- римизнинг диққат марказида турган ҳаётий ва долзарб масала саналади.

Ҳуқуқий асослар ҳақида тушунчалар берилди



Мамлакатимиз ва ҳар бир юртоқшимиз тақдирини учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бу сиёсий жараёнда барча сайлов- чилар ўз ҳуқуқини билган ҳолда иштирок этиши сайловнинг юқори савияда ўтишини таъмин- лайди, албатта.

Бу йилги сайловда илк маротаба катнашув- чи ёшларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Шунинг назарда тутиб, ёшлар ўртасида сайлов қонуночилигида белгиланган ҳуқуқий меъёрларни тарғиб этиш айтиш мумкин. Гули- стон қурилиш касб-хунар коллежида ташкил этилган тадбирда фуқа- роларнинг сайлов ҳуқуқи ҳақида батафсил тушунчалар берилиб, уларнинг бу муҳим жараёнда фаол бўлиши, ўз сиёсий билиминини мустаҳкамлаб бориши лозимлиги таъкидланди.

— Ўзбекистон "Адо- лат" СДП Сирдарё вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда ёшларга сайлов кампанияси жараёнлари бўйича вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумотлар бериш асосида уларни

жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жара- ёнлардан кенг хабардор қилишга интилдик, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ушбу коллеждаги бош- ланғич ташкилоти раҳба- ри Шарифулло Хикма- тов. — Бугунги ёш сайловчилар замон тараққиётига мос равиш- да дунёқараши кенг ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга кизиқувчан, фаол ёшлар- дир. Тадбир давомида улар берган саволларда ҳам бу фаоллик ўз ифодасини топди.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалти- ришга қаратилган мазкур тадбирда Президент сайловининг ҳуқуқий асослари, жойларда олиб борилаётган сайловолди тарғибот ишларининг моҳияти, кейинги йил- ларда сайлов қонуночили- гига киритилган ўзгарти- ш ва қўшимчалар, сайловларни ўтказиш тартиби ҳамда сайловчи- ларнинг ҳуқуқлари хусусида иштирокчилар кенг маълумотга эга бўлишди.

Валижон ТҮЙЧИЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сирдарё вилоят кенгаши
раиси ўринбосари

Халқчил ғоялар акс этган дастур

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг сайловолди дастури Сурхондарё вилояти сайловчилари томонидан кўллаб-қувватланмоқда. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида номзоднинг ишончли вакили билан бўлиб ўтган учрашувларда сайловчиларнинг фаол иштироки билан сайловолди дастурига хайрихоҳлик билдирганликлари фикримизнинг далилидир.

Бу фаоллик Сарносиё ва Узун туманларида Наримон Умаровнинг вилоятдаги ишончли вакили, Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенга- ши раиси Рустам Ҳамраевнинг сайловчилар билан учрашув- ларида ҳам яққол кўринди.

Р.Ҳамраев партия номзодининг дастуридаги асосий йўна- лишлар хусусида атрофлича тўхтади.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, номзодимиз дастуридан муҳим ўрин эгал- лаган табиғатнинг саннат қор- хоналари томонидан ифлосла- нишини камайтириш, чанг ва захарли моддаларни кўп ютувчи дов-дарактлар сонини ва турини ошириш, шаҳарлар ва саннат қорхоналари атро- фида яшил зоналар барпо этиш орқали атроф-муҳит му- саффолигини таъминлашга қаратилган аниқ механизмлар борасидаги фикрлар, айниқ- са, сайловчиларнинг диққат марказида бўлди.

Сарносиё туманида бўлиб ўтган учрашувда сўзга чиққан туман газ таъминоти корхо- наси бўлим бошлиғи ўринбо- сари Хуриш Эшқобилов, халқ депутатлари туман Кен- гаши депутати Раҳимиддин Набиевлар номзод дастурида бугунги ҳаётимизда мавжуд му- аммоларга аниқ ечимлар кўрсатишга фуқароларнинг эътиборини қаратишди.

Сарносиё туманидаги муаммолардан бири бу эко- логик вазият билан боғлиқ, — деди Хуриш Эшқобилов. — Сўнгги йилларда бу бо- рада ижобий кадамлар ташлан- ганга қарамай, ҳамон қишлоқ хўжалиги маҳсулот- лари, чорва моллари, мевали дарактлар, хатто, одамларга

хам экологиянинг салбий таъ- сирини сезилмоқда. Наримон Умаров кўп йиллик тажриба- га эга мутахассис сифатида экологик муаммолар ва улар- нинг таъсирини жуда яхши ту- шунди. Н.Умаров экологик масалаларнинг ечимлари ҳақида ўз мақбул таклифла- рини рўёбга чиқариш меха- низмларини дастурда келтириб ўтганлиги айтиш мумкин. Шу боис мен номзодни кўллаб-қувватлайман.

Узун тумани аҳолиси Наримон Умаровнинг Олий Мажлис Қонуночилиги пала- таси депутати сифатида яхши билишди. Айнан, 76-Узун" сайлов округидан депутат этиб сайланган Наримон Умаров ўтган даврдаги фаолияти да- вомида сайловчилар меҳрини, ишончини қозона олган. Ту- манда ишончли вакил Р.Ҳам- раевнинг сайловчилар билан учрашуви кўтаринки руҳда, самарали тарзда ўтганини таъ- кидлаш ўринлидир. Рустам Ҳамраев йилланларнинг бар- ча саволларига дастурдан келиб чиқиб, батафсил жавоб қайтарди.

Учрашувда номзоднинг дасту- рини ёқлаб сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" СДП Узун туман кенгаши раиси Панжи Аҳмедов, туман тибби- ёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари Саида Туропова, "Чакар" МФЙ раиси Абдуқа- рим Бердиевлар ўз фикр-мус- лоҳазаларини баён қилишди.

— Наримон Умаров депу- татлик фаолияти давомида бир қанча ижтимоий-иқтисо- дий муаммоларни ечишда узунликларга елкадош бўлиб келмоқда. Шунинг билан айта оламаники, депутат сифатида ҳеч бир сайловчининг му- ро-

Максуд ТҮРАЕВ,
Сурхондарё вилоят
Кенгаши матбуот котиби

Биз бозор иқтисодиёти ва хусусий тадбиркорлик ташаббуслари социал- демократиянинг асосий ғояларини амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.


(Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан)

Маҳсулот

сифати муҳим

➤ "ЁШ АДОЛАТЧИЛАР" ҚАНОТИ ФАОЛИЯТИДАН

Анджон вилояти Булоқбоши туманидаги "Буюк Турон" маҳалласида фаолият юрита- ётган кичик бизнес субъектларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўзбекистон "Адолат" СДП Булоқбоши туман кенгаши "Ёш адолатчилар" қаноти фаоли, тадбир- кор Давронбек Эргашев бошчилигида самарали фаолият юритаётган меҳнат- лар шундай тадбиркорлардан саналади.



Улар яратётган 10 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар юқори сифати билан истеъмол бозорида жуда тез муно- сиб ўрин эгаллади. Йилнинг ўтган даврида 250 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришган жамоа тўла буюртма асосида иш юритмоқда.

— Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, икки йил ав- вал ўз фаолиятимизни йўлга қўйганимиз, — дейди ёш тад- биркор Д.Эргашев. — Албатта, бугунги тараққиёт даврини замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шун- дан келиб чиқиб, "Ҳамкорбанк" томонидан берилган 18 миллион сўм молиявий қўмак ҳисобига Хитойдан ёнғочта гул ўюви дастоҳ сотиб олдик. Натижада иш унумдорлиги ортиб, маҳсулот таннархи кескин арзонлашди. Чунки илгари қўл билан бакарилган ишлар эндиликда бир вақтнинг ўзида мана шу машина орқали амалга оширилмоқда.

Дастлаб бу ерда фақат миллий услубда сандиқлар тайёрланиб, ички бозорда сотилаётган. Тез орада ми- жозлар сони ортиб, меъёри ва турли уй жиҳозлари тай- ёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Жамоанинг маҳаллий иқти- содий хунарманд ёшларидан иборатлиги ва ҳар бир ус- таннинг олдида янги донғилар ташаббуси билан чиқиш шарт сифатида қўйилгани яхши натижа билан бермоқда. Уларнинг маҳорати ва илганилиги ҳисобига ҳар бир тайёр маҳсулот янги кифоа касб этмоқда. Кичик корхо- нанинг рақобатчиларидан фарқи равишда ҳам миллий, ҳам замонавий услубда сифатли жавон ва меҳмонхона жиҳозлари яратиб туришга йўл очилган айланмоқда. Маҳсулотларга ўйиб туширилган бежирим гуллар уларга янада кўрк беришляпти. Миқдорлар талаби ортимоқда.

Айни чоғда тадбиркор яна бир қатор ишларни компь- ютерлаштирилган технологиялар ёрдамида амалга оши- риш ҳаракатида. Натижада маҳсулот тури кўпайиб, уни экспорт қилиш имконияти юзга келади.

Эътиборлики, бу ерда ярим тайёр маҳсулотлар ҳам тайёрланади. Тумандаги бир неча тадбиркорлик субъект- лари билан шартнома имзоланган. Уларга кўрсатилаёт- ган хизматдан топилган даромад янги дастоҳлар сотиб олишга сарфланади.

— Маҳалламизда бу каби ишлаб чиқарувчилар кўпчи- ликни ташкил этади, — дейди партиядошимиз, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зокиржон Тешабоев. — Хар икки хонадоннинг бирида чеварчилик мактаби яратилган, тунука- соз ва дурадзорлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ширварди- да турмуш фаровонлигининг юксалишини хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ички бозорни рақобатдош ва сифатли маҳ- сулотлар билан тўлдириб, янги иш ўринлари яратишда тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси ортиб бормоқда.

Акбаржон НАЗАРОВ,
"Adolat" мухбири

Ёт ғояларга қарши курашда билим ва маънавиятнинг ўрни

Хатирчи туманидаги хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежида "Ёт ғоялар ва турли иллатларга қарши онгли муносабатда бўлайлик" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП туман кенгаши ташаббуси билан туман "Қамолот" ЕИХ, "Маҳалла" хайрия жамоат фон- ди туман бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тад- бирда дунё жамоатчилигини ҳамон ташвишлантириб турган одам савдоси, диний экстремизм ва терроризм каби глобал муаммолар, "оммавий маданият"нинг турли кўринишлари- дан аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини асраб-авайлаш, бунинг учун улар калбида миллий кадриятимизга меҳр ва ҳурмат ҳиссини ошириш, онг-шуурларида маънавий бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш чоралари хусусида атроф- лича сўз юритилди.

Иштирокчиларнинг қайд этишича, бундай иллатлар доми- га тушган бир киши фақат ўзигагина эмас, ён-атрофдагилар- га ҳам зарар келтириши ҳеч гап эмас. Шу боис ҳам маҳалла аҳолиси бир-бирларига доим эътиборли бўлишлари айтиш мум- кин. Мутахассислар ёт ғояларга қарши курашишда илм- фанни чуқур ўрганиш, ёшларни билим ва маънавиятга қилиб тарбиялаш асосий ўрин тутишига эътибор қаратишди.

Садоқат ШАМСИЕВА,
Навоий вилоят кенгаши матбуот котиби

Маҳаллалар аҳли

тинчлик ва тараққиёт учун овоз беради

Самарқанд вилоятидаги Ўзбекистон Республикаси сайловини ўтказувчи 1030 та сайлов участкасида ушбу муҳим сиёсий тадбирда иштирок этиши кутилаётган 2373738 нафар сайловчининг рўйхати тўлиқ шакллантирилиб, уларга зарур таклифномалар тарқатиб чиқилди. Сайловни юксак савияда ўтказиш бўйича олиб борилаётган тайёргарлик ишлари сайлов қонунчилиги ва сайлов маданиятига оид тарғиботлар мамлакатимиз тақдирини учун катта аҳамиятга эга бўлган бу сиёсий жараёнда барчанинг чуқур манфаатдорлик билан иштирок этиши ва республика-миздаги барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлашдан далолат беради.

— Мен бу йил сайловда илк марта катнашиш ҳуқуқига эга бўлдим, — дейди Самарқанд шаҳрининг “Геофизиклар” маҳалласида яшовчи фуқаро Робия Ахророва. — “Сўзангарон” тиббиёт коллежини тамомлаб, мутахассис сифатида мустақил ҳаётга қадам қўйганим мени бир қувонтирса, бўлажак сайловда катнашиш орқали давлат раҳбарини танишди сайловчилар катори овоз беришим мента фуқаролик гуруҳини банишлайди.

— Сайловда азиз юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти учун берилган менинг овозим ҳам, албатта, ҳисобга олинади, — дейди яна бир ёш сайловчи Раҳим Каримов. — Ота-онам, оила аъзоларимиз сайлов участкасига ўз таклифномамиз билан келиб, ҳар биримиз маъқул топган номзодга овоз беришга қарор қилганимиз.

“Геофизиклар” маҳалласи ҳудудда фаолият юритаётган 10-сайлов участкасида мазкур маҳалла ҳамда “Қўрғонча” маҳалласидан жами 2 минг 921 нафар фуқарога сайлов таклифномалари тақдим этилган бўлиб, улардан 114 нафари сайловда илк марта катнашадиган ёшлардир. Бу ерда бўлажак сиёсий тадбирни ушшоқлик билан ўтказиш, фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини эмин-эркин амалда оширишлари учун талаб этиладиган барча шароитлар муҳайё қилинган.

Вилоят адлия бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси, ОАВ вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган мавзуга оид мулоқотлар, давра суҳбатлари сайлов маданиятини янада кенг тарғиб этишга хизмат қилди.



— Иккала маҳалладаги ҳар бир хонадонга бориб, сайлов участкаси ҳудуддаги сайловчиларнинг 24 нафари соғлиги ва жисмоний имкониятига кўра уйда овоз беришини аниқладик, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Зархол Раимқуллова. — Улар ҳузурида сайлов бюллетенларини олиб борадиган комиссия аъзоларини тайинладик. Турли асосли сабабларга кўра сайловда муддатидан олдин иштирок этишни истagan беш нафар фуқаронинг ҳам талаби қондирилди. Фуқароларнинг сайловни ўтказиш ва

унинг ташкилий жараёнлари бўйича ҳар бир мурожаати участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан ана шундай хозиржа-воблик билан ўрганилиб, асосли тарзда хал этиб борилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мазкур комиссия аъзоларидан Олим Одилов, Суръат Хамидов, Фотима Шарипова, Элвир Муслидина, Қизлархон Очилова сайловда оид зарур ҳуқуқий қўниқ-маларга ва сайловчилар билан муносабат ўрнатиш қобилиятига эга кишилардир. Шу боис уларнинг фуқаролар билан ҳар бир

мулоқоти ўз ижобий натижасини бериши аниқ.

Самарқанд шаҳридаги “Геофизиклар” ҳамда “Қўрғонча” маҳаллаларидаги салкам уч минг нафар сайловчи ўз фуқаролик маъсулиятини чуқур идрок этган ҳолда 4 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига фаол катнашади ва обод Ватан, янада фаровонлик, тараққиёт учун овоз беради, деб ишонамиз.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
“Adolat” мухбири

Жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида гоят муҳим ўрин тутадиган ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади. Шу боис унда фаол иштирок этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

“Pressklub: Saylov.uz-2016”

миллий ва халқаро журналистларнинг тажриба алмашиш майдонига айланди

Сайловларнинг очиклик, ошқоралик ва шаффофлик сингари тамойиллар асосида ўтказилишини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ҳамда округ сайлов комиссиялари ҳузурида ҳам ана шундай марказлар, шунингдек, Президентликка номзодларни илгари сураётган сиёсий партияларнинг Матбуот хизматлари, расмий нашрлари тўлақонли фаолият юритиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кенг ёритиш учун Марказий сайлов комиссияси қoшида 1300 дан ортиқ миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитация қилиниши натижасида фуқаролар, сайловчилар, кенг жамоатчилик вакилларига сайловга тайёргарлик ишлари оид ишончли, ҳолис ва тежор маълумотлар тақдим этиб келинмоқда.

Айни пайтда жорий йилда ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид тайёргарлик

ишлари ва сайлов кундаги жараёнлар ҳақида сайловчиларни ўз вақтида зарур ахборотлар билан таъминлаш ишларини янада юқори даражага олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистоннинг бир гуруҳ нодавлат оммавий ахборот воситалари ташаббуси билан “Pressklub:saylov.uz-2016” прeсс-клуби ташкил этилди.

Пресс-клубда хорижий ва миллий оммавий ахборот воситалари вакилларига замонавий моддий-техник база ёрдамида тежорлик билан медиа махсулотларини тайёрлаш ва узатишлари учун тўлиқ шароит яратилган. Хусусан, прeсс-клуб юқори тезликдаги интернетга эга 80 дан ортиқ замонавий компьютерлар билан жиҳозланган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази билан бeвосита онлайн алоқа йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг 30 ноябрдан бошлаб 5 декабрь кунига қадар фаолият юритувчи мазкур майдонда миллий ва хорижий журналистлар парламент аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари ва миллий ҳамда халқаро кузатувчиларнинг сайловдаги ва сайлов кунини жараёнига оид фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишиш, улардан турли мавзуларда интервью олиш имконига эга бўлмоқда.

Журналистлар прeсс-клубда сайловга оид тайёргарлик ишлари, сайлов кундаги жараёнлар ҳақида маълумотларни тежорлик билан тайёрлаш ва аудиторияга узатиш, ўзаро тажриба алмашиш ва таниш сий арбоблар, сиёсий партиялар вакиллари билан суҳбат қуриши учун барча шароитлар яратилди, — дейди прeсс-клуб ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий асоциацияси бошқаруви раиси Фирдавс Абдухаликов.

— Қолаверса, прeсс-клуб иштирокчилари шўъбаларга бўлиниб, Ўзбекистон сайлов тизими ва унинг қонунчилиги ривожланиш босқичлари, сиёсий партияларнинг электорат билан ишланиши янги ҳақида мулоқотлар ва бошқа қўллаб-қувватлаш давра суҳбатлари, форумларда фаол катнашишмоқда.

Мазкур форумлар, учрашувлар доирасида прeсс-клубда халқаро кузатувчилар ва ОАВ вакиллари Ўзбекистоннинг анъанавий маданияти ва санъати билан таништиришга қаратилган тақдимот ҳамда кўргазмалар ўтказилмоқда.

Саодат СОДИҚОВА,
“Adolat” мухбири

Овоз бериш вақти, жойи ва тартиби

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида катнашиш ҳуқуқига эга. Овоз бериш сайлов кунини соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан қамда ўн кун олдин хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларидаги ваколатхоналари ҳузурида, харбий қисмларда, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида, шунингдек, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамқоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, башарти рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, исталган вақтда овоз бериш ту-

ғи, сайловчилар ўз хоҳиш-истакларини яширин билдиришларини таъминлаш, биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун участка сайлов комиссияси жавобгардир.

Сайлов кунини овоз бериш бошланганидан олдин участка сайлов комиссиясининг барча аъзолари иштирокчида сайлов кутиларини текширади, пломбалайди ёки муҳрлайди.

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенларини тегишли сайлов комиссияси сайлов участкаси сайловчиларининг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилгач беради. Ҳар бир сайловчи сайлов бюллетени олгани ҳақида сайловчилар рўйхатиданги ўз фамилияси рўпарасига имзо чекади.

Овоз бериш учун ажратилган кабинга ёки хонада тўлдирди. Бюллетенларни тўлдирish вақтида овоз берувчидан бошқа биров кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетени мустақил равишда тўлдирish имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссиясининг аъзоларидан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакиллари билан бошқа биров киши билан ёки хонага тақлиф қилишга ҳақли.

Сайловчи сайлов бюллетенига, ўзи ёклаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (плюс) қўяди. Тўлдирилган бюллетени овоз берувчи сайлов кутисига ташлайди.

Овоз бериш учун ажратилган кабинга ёки хонада тўлдирди. Бюллетенларни тўлдирish вақтида овоз берувчидан бошқа биров кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетени мустақил равишда тўлдирish имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссиясининг аъзоларидан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакиллари билан бошқа биров киши билан ёки хонага тақлиф қилишга ҳақли.

Сайловчи сайлов бюллетенига, ўзи ёклаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (плюс) қўяди. Тўлдирилган бюллетени овоз берувчи сайлов кутисига ташлайди.

Шоҳишта ЗУФАРОВА,
Учтепа тумани 1-сонли
ДНИ катта нотариуси

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 24 ЙИЛЛИГИГА

Инсонпарварлик, адолат, узоқни кўра билиш тамойилларини ўзида акс эттирган Конституциямиз бугун ҳаёти-миз, иқтидор ва салоҳиятимизни кафолатлай олишга қодир Асосий қонун сифатида эътироф этилади.

Асосий қонун кафолати

Конституциямиз негизда ёшлар, вояга етмаганларга доир қабул қилинган қонунлар ва меъриий ҳужжатлар мазмун-моҳиятида акс этган талабларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бугун Ўзбекистон ёшлари дунё мамлакатлари орасида ҳеч қимдан кам эмаслиги, илм-фан, маданият ва спорт, кўйингки, барча соҳаларда улкан ютуқларга эриш-шайтанлигини амалда намоён этмоқда.

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи мамлакатимиз учун умуммиллий миқёсдаги вазифа бўлиб, бу эзу мақсад йўлидаги ишларни изчил амалга ошириш давлат сиёсатининг асосини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини химоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар, қонуний негизлар тўла шакллантирилди. Бунинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб берилди. Ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унда ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади ва вазифалари каттиқ белгилаб қўйилди.

Шунингдек, “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилаётгани эса ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда ҳар қимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, истиқлол йилларида давлатимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб фармон ва қарорлар, қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, 2008 йилда қабул қилинган “Ёшлар йили” Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб фармон ва қарорлар, қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, 2008 йилда қабул қилинган “Ёшлар йили” Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб фармон ва қарорлар, қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун бу борада ўзига хос янги босқични бошлаб берди. 2016 йил 15 сентябрда қўлга кирган мазкур қонун ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий қондаларини ўзида мужассам этгани билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур қонунга кўра, ёшларнинг сифатли таълим олиши таъминланади. Ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига қўмақланади.

Уларни ишга жойлаштириш ва бандлиги учун шарт-шароитлар яратилади. Шунингдек, қонунда муқофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантларини тақдим этиш, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устаконалар ва мактабларни ташкил этишга қўмақлаш, спорт секциялари фаолиятини ташкил этиш қабилар орқали амалга ошириш мумкин бўлган истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари тартибга солинган.

Қонунда белгиланган бу каби имкониятлар ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чикаришига замин яратади.

Мухтасар айтганда, Конституциямиз ва унга таянган ҳолда ишлаб чиқилган қонунларимиз, бугунги мураккаб давр шароитида давлатимиз томонидан кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлар асосларини аҳолига, айниқса, ўсиб келаётган ёшларга тўғри тушунирилиши, олиб борилаётган сиёсатини қўллаб-қувватлашда ўзлари ҳам бу каби ишларнинг ташаббускорига айлана-нишида яхши самара беради.

Наргиза ҚОДИРОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
ўқитувчиси

Қўшимча имконият

Маълумки, мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши белгилаб қўйилган.

Сайлов кампаниясида гоят муҳим ўрин тутадиган сайлововди ташвиқотига барча демократик давлатлар, жумладан, мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Сайлововди ташвиқотининг мақсади — сайловда иштирок этаётган номзоднинг билим ва салоҳияти, сайлововди дастурининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш орқали сайловчиларнинг ишончини қозониш ва маълум бир номзодга овоз беришга даъват этишдан иборат.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига биноан, сайлововди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентли-

гига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов кунини овоз бериш бошланганига бир кун қолганида сайлововди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Бу сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, ким ва қандай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида аниқ бир қарорга келиши учун қўшимча имконият яратилади, овоз бериш кунини арафасида турли суниестемоллик ҳолатлари ва қонунбузилишларнинг олдини олади.

Наргиза МИРСОАТОВА,
ҳуқуқшунос

Азиза ҚУВОНДИҚОВА,
Олмасор тумани 7-сонли ДНИ нотариуси



Ижтимоий ҳаётимизда адолат барқарор бўлиши учун курашамиз!

НАРИМОН УМАРОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



Хуқуқий маслаҳат

— Никоҳдан ажрашмасдан туриб эр-хотин ўртасидаги мол-мулкни бўлиш мумкинми? Бунинг тартиби қандай? Илтимос, шулар ҳақида маълумот берсангиз.
*Динара Курбонова,
Тошкент шаҳри.*

— Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 27-моддасига кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек, кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишувни нотариал тартибда тасдиқлашни мумкин.

Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш, шунингдек, эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади.

Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин)га унга қарашли улушдан

ошиқ қийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин.

Оилавий муносабатлар тугатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин.

Вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўлинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компенсациясиз бериледи.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни улар никоҳда турган даврда бўлинган тақдирда, эр ва хотин мол-мулкнинг бўлинмай қолган қисми, шунингдек, эр ва хотин томонидан улар никоҳда турган даврда орттирилган мол-мулк кейинчалик уларнинг биргаликдаги умумий мулкни ташкил қилади.

Саволга Тошкент шаҳар "Шодлик" никоҳ уйи мудири Раъно КАРАБАЕВА жавоб берди.

Оловдан эҳтиёт бўлинг

ЭНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

Донишмандлардан биридан "Нимадан кўрқиб керак?" деб сўраганларида, у ҳеч иккиланмасдан "Ношуд ва беақл кишилардан кўрқиб керак", деб жавоб берган экан. Яна сўрабдилар: "Уша ношудлик ва беақллик нималарда кўзга ташланади?" Донишманд яна "Олов ва сувга бўлган муносабатда", дебди. Энди бу гапнинг маъноси қақар эканми, шубҳасиз, ўт балоси-ю сув балосидан ўзи асрасин, деган ҳикматни ёдга олиш лозим бўлади. Агарки, инсон олов ва сувни қадрламаса ҳамда уларга лоқайд муносабатда бўлса, кўпларга кулфат келтириши ўтмиш воқеаларидан маълум.

Узқоқ бормайлик. 2016 йилнинг ўтган 10 ойда олов билан боғлиқ жами 10309 та ёнғин юз берган. Юзага келган бу офатнинг 10,7 фоизи иситиш қозонлари дудбўронларининг носозлиги туфайли, 40,1 фоизи оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш сабабли, 12,3 фоизи эса ёш болаларнинг оловдан фойдаланиши билмаслиги натижасида содир бўлган.

Соддарок қилиб айтганда, ушбу ёнғинлар норма-

тив ҳужжатлар талабларига амал қилмаган ҳолда ўрнатилган иситиш қозонларида олов кеча-қундуз ёниб, тутун тортиш дудбўронлари яхши ишламаслиги окцибатида ёки ётган жойда тамаки маҳсулотларини чекиш сабабли, ховлида ёқилган хазонларни ўчирмаслик ёхуд ёш болаларни уйда ёлғиз қолдириш натижасида келиб чиққан.

Шубҳасиз, ҳеч ким ўз хонадонини, мол-мулкнинг ёниб қулга айланишини

истамайди. Аммо ёнғиннинг олдини олишда истакнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун ёнғинга олиб келадиган омилларга йўл қўймаслик ва ёнғин чиқаришига олиб келадиган асбоб-ускуналар ҳамда техник мосламалардан фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш, бу борадаги қонунқоидаларга тўла риоя қилиш лозим. Ёнғин хавфсизлиги қондаларини билиш, ҳар бир фуқаро Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 1 октябрдан мамлакатимизда жорий этилган "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуннинг чуқур ўрганиб, унинг амалиёти ўз оиласида, маҳалласи, кишлоқ фуқаролар йиғинида татбиқ этилишида фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонуннинг 2-боб 11-моддасида фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилини шарт эканлиги аниқ баён этиб

берилган. Айни пайтда, фуқаролар ёнғинларнинг олдини олиш ва башарти ёнғин содир бўлиб қолган кезде мазкур ёнғинни бар-тароф этишда давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига яқиндан ёрдам беришлари зарурлиги алоҳида белгиланган. Ёнғинларга олиб келадиган ҳолатларга йўл қўйган ва онгли равишда ҳуқуқбузарлик қилган кишилар тегишлича жавобгарликка тортиладилар.

Амалдаги қонун ҳамма учун ва ундан қўзланган мақсад эса қорхона ва хўжаликлар қатори фуқаролар турар жойларида ёнғинларнинг олдини олиш, оилаларнинг тинч ва осойишта турмуш тарзини тўла таъминлашга қаратилган.

**Каримжон ТАЛИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ ЁХББ мўҳандиси,
капитан**

Reklama

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК ЖАМОАСИ

*Сиз азияларни яқинлашиб келаятган мамлакатимиз
Конституцияси кунини байрами билан чин юракдан муборакбод этади!
Сизга тинчлик, омонлик ва муваффақиятлар тилаймиз!
Байрам муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли
янги омонат турини таклиф этамиз:*

«КОНСТИТУЦИЯ — 2016»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 2 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг бериледи.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади.

*Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.*

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371 120-83-13	
Наманган вилоят филиали	369 227-15-68	
Автотранспорт филиали	371 120-39-95	
Навоий вилоят филиали	436 770-21-29	
Шайхонтохур филиали	371 140-39-36	
Зарафшон филиали	436 572-40-14	
Юнусобод филиали	371 221-80-67	
Бухоро вилоят филиали	365 770-05-19	
Сирғали филиали	371 257-44-10	
Бухоро шаҳар филиали	365 770-11-27	
Тошкент вилоят филиали	371 120-84-13	
Самарқанд вилоят филиали	366 233-65-47	
Андижон вилоят филиали	374 223-60-74	
Афросиёб филиали	366 221-71-76	
Асака филиали	374 233-21-99	
Қашқадарё вилоят филиали	375 221-07-41	
Фарҳод филиали	374 226-96-63	
Сурхондарё вилоят филиали	376 770-82-12	
Фарғона вилоят филиали	373 244-39-14	
Қорақалпоғистон филиали	361 770-60-59	
Марғилон филиали	373 237-62-23	
Хоразм вилоят филиали	362 228-14-81	
Олтиариқ филиали	373 432-19-80	
Сирдарё вилоят филиали	367 225-44-03	
Кўкон филиали	373 542-61-01	
Жиззах вилоят филиали	372 226-43-11	

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган. www.asakabank.uz

МУАССИС:



Бош муҳаррир: **Ислом ҲАМРОЕВ**

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Тошпўлат **МАТИБАЕВ**
Талъат **МУРОДОВ**
Абдукамол **РАҲМОНОВ**
Собир **ТУРСУНОВ**
Алишер **ШОДМОНОВ**
Шухрат **ЯКУБОВ**

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Аxbopот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144)

Навбатчи муҳаррир — Саодат Содиқова
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz adolatgz-95@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbopот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қовоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1200. Адади — 6867. Босишга тошпириш вақти — 21.00. Босишга тошпириш вақти — 21.15.

Баҳриси келишган нархга

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2071-5217



1 2 3 4 5 6